

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

18-сон
(206)
2006 й.
апрель-май

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

146. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сон Фармони
147. «Молия-иқтисодий, солик соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон қарори [Кўчирма]
148. «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 майдаги ПҚ-338-сон қарори
149. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги ПҚ-347-сон қарори
150. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 майдаги ПҚ-348-сон қарори

Учинчи бўлим

151. «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 майдаги 74-сон қарори

Бешинчи бўлим

152. «Ягона солиқ тўловини хисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 19, 2006-11-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 апрелда 1501-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
153. «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган соликни хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 23, 2006-5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 апрелда 1109-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
154. «Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иктисолиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 йил 14 марта 31, 1, 02-317-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 1 майда 1566-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
155. «Божхона брокери тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 3 апрелдаги 01-02/20-5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 1 майда 1272-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
156. «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йил 14 апрелдаги 275-В, 41, 113-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 2 майда 1567-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
157. «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 8 апрелдаги 9/7-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 2 майда 1568-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

158. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартағи 27-сон бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 2 майда 1569-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

159. «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ғазначилик ижроси бухгалтерия хисобининг ягона хисоблар режасини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 7 апрелдаги 37-сон бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 майда 1570-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 29 апрелдан 5 майгача бўлган маълумот

+

-

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

146 «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оиласвий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш ўйли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида:

1. «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки негизида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида;

иловага* мувофиқ, унинг акциядорлари таркиби ва устав сармоясини кўпайтириш тўғрисида «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва тижорат банкларининг таклифларига розилик берилсан.

— +

«Микрокредитбанк» «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банкининг барча хукуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ҳамда ўз вақтида қайтарилишини кафолатлайдиган талабномалари бўйича хукукий вориси хисобланади.

2. Қуидагилар «Микрокредитбанк»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжаликларига ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтишлари учун микрокредитлар бериш, кенг кўламдаги банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш;

микрокредитлар бериш ҳамда микролизинг ўйли билан микрофирмалар, оиласвий бизнес ва касаначилик ривожланишини рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш хисобига тадбиркорлик соҳаси кенгайшига кўмаклашиш;

қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган бизнес-режани, унинг молиявий ҳолатини, кредитни тўлаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш манбаларини син-циклаб таҳлил этиш асосида микрокредитларнинг қайтарилишини таъминлаш;

микрокредит бериш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш;

айниқса қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш.

3. Белгилансинки, «Микрокредитбанк» минтақавий, асосан қишлоқ жойлардаги филиаллари ва мини-банклари тизими орқали:

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитларни йилига 5

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

фоиздан юқори бўлмаган фоиз ставкасида, энг кам иш ҳақининг 200 каррагача миқдорида 18 ойгача бўлган муддатга;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдиришга микрокредитларни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 500 каррагача миқдорида 24 ойгача бўлган муддатга беради;

кичик бизнес субъектлари учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 2000 каррагача миқдорида 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кўрсатади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун илгари олган микрокредитини ўз вақтида ва тўлиқ қайтарган ҳамда у бўйича қўшилган фоизларни тўлаган тадбиркорлик субъектлари бизнесни ривожлантиришга кейинги микрокредитларни олиш ҳамда «Микрокредитбанк» хизматларидан фойдаланиш учун устунлик хукуқига эга бўладилар.

4. «Микрокредитбанк» микрокредитларни расмийлаштиришда бюрократизм ва расмиятчилик холларига йўл қўймасин. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда қарз оловчи томонидан микрокредит олиш учун тақдим этиладиган хужжатлар рўйхати факат:

микрокредит олишга буюрманома;

бизнес-режа;

микрокредит қайтарилиши таъминланишини тасдиқловчи хужжатлар билан чекланади.

+

-

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги муваққат низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қўйидагилар «Микрокредитбанк» ресурс базасини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

акциядорларнинг банк устав сармоясини шакллантиришга йўналтирадиган маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2007—2010 йиллар мобайнида Марказий банкнинг республика бюджети даромадига йўналтирадиган фойдаси ҳисобидан йиллик 2 фоиз ставка бўйича 10 йил муддатга 10 млрд. сўм миқдорида бериладиган ҳар йилги ссудалар;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хузуридаги Бандликка қўмаклашувчи давлат жамғармасининг кредит линиялари.

6. Белгилансинки, микромолиялаштириш шартномалари, шунингдек гаров, кафолат шартномалари ҳамда микромолиялаштириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни нотариал тасдиқлаш шартнома суммасининг 0,1 фоизи ставкаси бўйича амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

«Микрокредитбанк» филиалларининг Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасига киришини таъминласин ҳамда қарз оловчиларнинг кредит тарихи бўйича ўзининг маълумотлар базасини яратишида «Микрокредитбанк»ка ёрдам кўрсатсан;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргалиқда халқаро молия институтлари ҳамда

етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда «Микрокредитбанк»ка кўмаклашсин.

8. «Микрокредитбанк» 2011 йилнинг 1 январигача:

даромад (фойда) ва мулк соликлари тўлашдан;

олиб келинадиган банк ускуналари ва технологиялари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириши учун йифимлардан ташқари);

банк фойдасига ундирилган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиги тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 5 май,
ПФ-3750-сон

—

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

147 Молия-иктисодий, солик соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Мамлакатнинг хуқукни муҳофаза қилиш, молия органлари томонидан солик соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, коррупция, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш, нақд пул ва хорижий валюта маблағларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича аник мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Иқтисодий ва молиявий соҳаларда қонунийликни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти мухим ўрин эталламоқда. Ўзининг 5 йиллик фаолиятида Департамент томонидан солик ва валютага оид 52 мингтадан ортиқ қонун бузилишлари аниқланган бўлиб, 13530 таси бўйича жиноий ишлар қўзғатилди, 38887 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Кўрилган чоралар натижасида жами 142,9 млрд. сўм миқдоридаги моддий зарар ва бюджетга қўшимча ҳисобланган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилди. Республикага ноқонуний олиб кирилган 22,4 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Хорижий валютанинг яшириб колиниши, четга чиқиб кетиши, ноқонуний айланиши билан боғлиқ 2420 қонунбузарликлар фош этилди.

Шу билан бирга, солик, валюта, бошқа иқтисодий жиноятларга қарши курашиш ишларини ташкил этишда жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаган резервлар мавжуд.

Иқтисодий, молиявий, солик соҳаларида содир этилган жиноятларнинг шартшароитлари ва сабабларини, «хуфёна бизнес»ни шаклланиш йўлларини, хорижий валютанинг четга чиқиб кетиш каналлари ва кўп миқдордаги пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланиши манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш ишларининг самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатларини чукур таҳлил қилиш, аниқлаш, олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги ахборот-таҳлилий ишларида замонавий таҳлил усули, услублари ва воситалари кенг кўлланилмаётir.

Мазкур жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги тизимдаги барча тезкор-тергов, банк, бошқарув ва назорат қилувчи тузилмаларнинг иқтисодий ва молиявий соҳалардаги хуқуқ бузишлиарини ўз вақтида аниқлаш ва заарсизлантириш бўйича комплекс ва аниқ мувофиқлаштирилган тарзда фаолият кўрсатишларини талаб этади.

Молиявий разведка ва мониторингнинг самарали тизимини яратиш, тезкор-кидирув фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга асосланган замонавий курашиш воситаларни жорий этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Тезкор хизмат ва суриштирув бўлинмаларининг фаолияти асосан якъол кўришиб турган қонун бузилишиларини аниқлаш ва олдини олишга йўналтирилган бўлиб, уларни келтириб чиқарадиган шарт-шароитларини чукур ўрганиш ва сабабларини аниқлаш таъминланмайтириш.

Солик ва валюта соҳасидаги қонун бузилишлари ва уларни содир этган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ҳисобини юритиш ва маълумотларнинг компьютер базасини яратиш ишлари тугалланмаган.

Иқтисодий, молиявий жиноятларга қарши курашиш ишларини ташкил этиш, криминоген вазият мониторингини амалга ошириш, ушбу соҳада профилактика ишларини олиб борища хукукни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, молия ва банк мұассасаларининг ўзаро ҳамкорлик даражаси замон талабларига жавоб бермайди.

Департамент органларида кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ишлари, таҳлилий, тезкор бўлинмаларнинг маҳсус техника ва криминалистика воситалари билан таъминланиши тубдан қайта кўриб чиқиши талаб этади.

Иқтисодий, валюта-молия ва солик соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни талаблари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига (бундан бўён матнда Департамент деб юритилади) айлантирилсин.

Департамент тузилмасида Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармаси ташкил этилсин, Департамент ва унинг худудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг чекланган сони 20 нафарга қўпайтирилсин.

Белгилаб қўйилсанки, Департамент Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ихтисослаштирилган ваколатли хукуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланади, солик, валютага оид жиноятлар ва хукуқ бузилишларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалта ошириш, шунингдек, содир этилган қонун бузилишлари оқибатида етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш унинг асосий мақсади ҳисобланади.

2. Қўйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

солик, валютага оид жиноятлар ва хукуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;

давлат солик сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиқка тортиш базасини кенгайтириш, солик тўловчиларни қамраб олиниши ва ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, қочишнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини, «хуфёна» иқтисодиётнинг шаклланиш йўлларини, коррупция холларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

валюта операциялари бўйича хисоб ва ҳисботларнинг тўлиқлиги ва объективлигини назорат қилиш; хорижий валюта маблағларининг қонунга хилоф равища четга чиқиб кетиши, олиб келиниши ва олиб чиқилиши, ноқонуний муомалада бўлиши ва валюта-айирбошлаш операциялари билан боғлик бошқа қонун бузилишларини олдини олиш ва бартараф этиш;

молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш; жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкий операциялар мониторингини ташкил этиш ва амалга ошириш; аниқланган хукуқ бузилишлари тўғрисида тегишли хукуқни муҳофаза қилиш органлари бўлинмаларига жиноий таъқиби ташкил этиш, маъмурий таъсир чораларини кўришлик учун ўз вақтида ахборот тақдим этиш;

солик ва валюта-молия соҳасида аниқланган жиноятлар ва хукуқ бузилишлари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлик операциялар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона компьютер базасини яратиш ва юритиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари ва шартномаларига мувофиқ валютани тартибга солиш соҳасида, шунингдек жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳамда халқаро-ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро хамкорлик қилиш ва ахборотлар айирбошлаш;

солик сиёсати ва валюта муомаласини тартибга солиш, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича кенг тушунтириш, профилактика ишларини амалга ошириш.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид

жиноятларга ва жиной даромадларни легаллаштиришга карши курашиш департаменти түгрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга карши курашиб департаментининг ташкилий-штат тузилмаси хамда Департамент ҳудудий бошқармалари ва бўлимларининг намунавий ташкилий-штат тузилмаси 2, 3, 3а, 4, 4а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига Департамент ва унинг худудий бўлинмалари тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш хукуки берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (Р.Х. Қодиров), Солик, валутага оид жиноятларга ва жиной даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаментига:

Департаментнинг жинои жаҳонга олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб бошқармасини хуқуқни муҳофаза қилувчи, бошқарув ва назорат органлари, молиявий ташкилотлар тизимида амалий иш тажрибасига эга бўлган, молиявий разведка соҳасида ишлаш учун зарур бўлган таҳлилий фикрлаш кобилиятига, ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш кўнинмаларига, юксак ахлоқ-иродага, бошка касбий ва шахсий сифатларга эга бўлган мутахассислар (иктисодчилар, юристлар, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари) билан икки ой муддатда бутланишини таъминласинлар;

ики ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиной даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаментининг янги ташкил этилган бошқармаси ишини ташкил этиш учун зарур моддий-техника воситалари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсингандар;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А.Н. Арипов) билан биргаликда Департаментда солиқ, валютага оид жиноятларга қарши курашиш, файрико-нуний йўллар билан топилган пул маблағларини қонунийлаштиришнинг олдини олиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича маълумотлар базасини ташкил этиш ва юритиш учун мўлжалланган ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш юзасидан иккى ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинглар, Департаментнинг янгидан ташкил этилган бўлинмаларини зарур алоқа ва телекоммуникация воситалари, шу жумладан хукумат алоқа воситалари билан, шунингдек Интернет тармоғига уланишини таъминласинглар;

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Р.С. Қосимов), Ички ишлар вазирлиги (Б.А. Матлюбов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Р. Иноятов) Давлат солик қўмитаси (Б.Р. Парпиев) билан биргаликда Давлат солик қўмитасининг Солик академияси базасида молиявий разведка масалалари билан шуғулланувчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун мўлжалланган «Молиявий-иктисодий хавфсизлик» маҳсус курсини ташкил этиш тўғрисида уч ой муддатда таклифлар киритсинлар;

Адлия вазирлиги (Б. Мустафоев) билан биргаликда файриқонунй йўллар билан топилган пул маблағларини қонунийлаштиришнинг олдини олиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларида аҳолининг, биринчи навбатда тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес вакилларининг, молия, банк тузилмалари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича 2006 йилда туркум аҳборот-ташвиқот тадбирларини ишлаб чиқсанлар ва амалга оширсинглар.

5. Баш прокуратура (Р.Х. Қодиров) Марказий банк, Миллий хавфсизлик хиз-

мати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда — Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни Департаментга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни;

икки ой муддатда — жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича хукуқни муҳофаза қилувчи, бошқарув ва назорат қилувчи, рўйхатдан ўтказувчи ва лицензияловчи органлар бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш чора-тадбирлари комплекс дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

6. Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Марказий банк билан биргаликда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан замонавий талаб ва меъёрларга мувофиқ келувчи ички назоратни амалга ошириш коидаларини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Иқтисодиёт вазирлиги (Б.А. Хўжаев), Молия вазирлиги (Р.С. Азимов) Бош прокуратура билан биргаликда Департаментда солик, валютага оид жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича ягона ахборот-компьютер тармоғини ва маълумотлар компьютер базасини яратиш тадбирларини 2007 йил инвестиция дастурига киритишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р.С. Азимов):

Департаментнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг штат жадвалига ва харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритсан;

Бош прокуратура, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Департамент ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсан.

9. Департамент Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг бюллетенлари ва статистика маълумотлари мажбурий тартибда юбориладиган реестрга киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Б. Мустафоев):

Бош прокуратура ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

вазирликлар ва идоралар томонидан ўз норматив ҳужжатларининг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Соликка оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 ноябрдаги 415-сон қарорига 1, 2, 2а, 3, 3а, 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-

+

сининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Э. Набиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 апрель,
ПҚ-331-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги
ПҚ-311-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий коидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, вазифалари ва функцияларини, тизими ва тузилмасини, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти (бундан кейин матнда Департамент деб юритилади):

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги мустақил ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланаб, солик, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишлари ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, террористик фаолиятни молиялаштиришга қарши курашиб соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш унинг асосий мақсади ҳисобланади.

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Департаментнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарув, махаллий ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажлиси палаталари қарорларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласи.

4. Солик ва валютага оид жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича жи-

ноий иш қўзғашдан бошлаб уни судда кўриб чиқишгача бўлган процессуал харакатларнинг узвийлиги ва изчиллиги Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг иқтисодиёт, солик ва валютага оид, шунингдек, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ҳамда терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиной ишларни кўриб чиқувчи, судда улар бўйича давлат айбномасини кувватловчи барча даражадаги прокуратура органлари билан ўзаро узвий ҳамкорлиги ва харакатларининг мувофиқлаштирилиши натижасида таъминланади.

5. Департамент бўлинмалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, бошқарув ва назорат органлари, молия ташкилотлари тизимида амалий иш тажрибасига эга бўлган, таҳлилий фикрлай оладиган ва ахборот-таҳлилий ишлар кўникмаларига, юксак маънавий иродага, молиявий разведка соҳасида ишлаш учун зарур бўлган бошқа касбий ва шахсий сифатларга эга бўлган мутахассислар (иқтисодчилар, юристлар, ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассислар) орасидан юкори малакали кадрлардан бутланади.

6. Департамент мустақил юридик шахс ҳисобланади, банк муассасаларида ҳисобитоб, жорий ва бошқа ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси герби тасвири туширилган ва Департаментнинг тўлиқ номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Департаментнинг асосий вазифалари

7. Қўйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

— солик, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;

+

давлат солик сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, соликка тортиш базасини кенгайтириш, солик тўловчиларни қамраб олиниши ва ҳисобини тўлиқлигини таъминлаш, соликларни тўлашдан бўйин товлаш, қочиш мумкин бўлган каналлари ва механизmlарини, «хуфёна» иқтисодиётнинг шаклланиши ўйларини, коррупция ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

валюта операциялари бўйича ҳисобга олиш ва ҳисботларнинг тўлиқлиги ва объективлигини назорат қилиш; хорижий валюта маблағларининг қонунга хилоф равиша четга чиқиб кетиши, олиб кирилиши ва олиб чиқилиши, уларнинг ноконуний муомалада бўлиши, валюта-айирбошли операциялари билан боғлиқ бошқа қонун бузилишларини олдини олиш ва бартараф этиш;

молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш; жиной йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг мумкин бўлган каналлари ва механизmlарини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкий операциялар мониторингини ташкил этиш ва олиб бориш; аниқланган ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бўлинмаларига жиной таъқибни ташкил этиш, маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини кўриш учун ўз вақтида ахборот тақдим этиш;

солик ва валюта-молия соҳасида аниқланган жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишлари, ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона компьютер базасини яратиш ва юритиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари ва шартномаларига мувофиқ валютани тартибга солиш соҳасида, шунингдек жиной йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кура-

шиш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳамда бошқа ҳалқаро ихтисослашган ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборотлар айирбошлаш;

солик сиёсати ва валюта муомаласини тартибга солиш, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги конун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича кенг тушунтириш, профилактика ишларини амалга ошириш.

III. Департаментнинг асосий функциялари ва фаолият йўналишлари

8. Департамент ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

8.1. Солик соҳасидаги жиноятлар ва ҳукуқ бузилишларига қарши курашиш соҳасида

ишлаб чиқариш, фойда (даромад) ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини пасайтириш механизмларини ўрганиш ва аниқлаш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобга олинмаган (тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган) маҳсулотлар (товарлар) сотилиши, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солик инспекцияларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши механизмларини ўрганиш ва аниқлаш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетга солиқлар ва тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вактида тўланишини текшириш.

8.2. Валютага оид жиноятларга қарши курашиш соҳасида

хорижий валютада операцияларни амалга оширишда конун бузилишларини аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва профилактик чора-тадбирларни кўриш;

хорижий валюта маблағларининг ноқонуний айланиши, яшириб қолиниши, четга чиқиб кетиш каналларини, ҳамда хорижий валютани сотиш бўйича мажбуриятлардан бўйин товлаш йўлларини ўрганиш ва аниқлаш;

республика ҳудудида резидентлар ва норезидентлар томонидан хорижий валютада иш ҳақи тўлаш ва ҳисоб-китоб қилиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

8.3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва террористик фаолиятни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар (битимлар) устидан конун ҳужжатларида назарда тутилган мажбурий назоратни амалга ошириш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва террористик фаолиятни молиялаштиришга қарши курашишда катнашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

кредит ва бошқа молия ташкилотларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклари билан боғлиқ операциялар (битимлар) тўғрисида олинган ахборотларни уларни ноқонуний даромадларни легаллаштиришга ва терроризм (экстремизм)ни молиялаштиришга эҳтимолий дахлдорлигини аниқлаш мақсадида таҳлил қилиш ва қайта ишлашни ташкил этиш ва амалга ошириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда, шунингдек террористик ташкилотларга молиявий ва бошқа ёрдам кўрсатиш учун фойдаланиладиган шакл ва усулларни, ҳамда террористик фаолиятга дахлдорлиги тўғрисида маъ-

лумотлар мавжуд бўлган жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги хужжатларни таҳлил қилиш;

жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборотлар айрбошлиш;

8.4. Тезкор-қидирув фаолиятида

Департаментнинг тезкор-қидирув фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

унинг худудий бўлинмаларида тезкор-қидирув ишлари ташкил этилишини назорат қилиш;

8.5. Суриштирув олиб бориш соҳасида

жиной ишлар қўзғатиш, молия-иктисодиёт, солик соҳасида жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини содир этиш ҳоллари, шунингдек жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича терговолди текширув ва суриштирув ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш;

Департаментнинг худудий бўлинмаларида суриштирув олиб борилиши устидан назоратни амалга ошириш.

8.6. Фаолиятни ташкилий-назорат жиҳатдан таъминлаш ва мувофиқлаштириш соҳасида

солик ва иктисодиёт соҳасидаги, шу жумладан хорижий валютадаги операцияларни амалга оширишдаги ҳуқуқ бузилишларининг, шунингдек жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва пайини киркишга йўналтирилган режали, режадан ташқари ва бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишига доир ташкилий чора-тадбирларни бажариш;

Департамент худудий бўлинмалари фаолиятини улар томонидан ўз функционал вазифаларининг бажарилиши ҳамда ижро ва хизмат интизомига риоя этилиши юзасидан мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш (шу жумладан идоравий текширишлар ўтказиш);

Департамент ва унинг худудий бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича методик раҳбарлик қилиш, тегишли услубий йўриқномалар ва таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг иктисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича қонун хужжатларининг қўлланиш амалиётини умумлаштириш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва Бош прокурорга киритиш;

Департамент ва унинг худудий бўлинмалари фаолиятига оид статистика хисоби ва ҳисоботларни юритиш;

тезкор-хизмат фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашни амалга ошириш;

солик, валюта қонун хужжатлари, шунингдек жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ қонун хужжатлари бузилиши ҳолларини тўплаш, ҳар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолаш, молия-иктисодиёт, солик соҳаларидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, иктисодий, солик ва валютага оид жиноятларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тегишли органларга таклифлар киритиш;

прокуратура раҳбариятига иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш натижалари ва муаммолари ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича ахборот бериш.

8.7. Кадрлар билан таъминлаш ишларини ташкил этиш

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, Департамент ва унинг жойлардаги бўлинмаларида кадрлар захирасини шакллантиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Департамент ва унинг худудий бўлинмалари ходимларининг хизмат фаолиятини, уларнинг ўз функционал вазифаларини бажаришини, хизмат интизомига, амалдаги конун ҳужжатларига риоя этишини назорат қилиш;

Департамент ва унинг худудий бўлинмалари жамоасида соғлом маънавий-психологик мухит яратишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, ходимларнинг касбий тайёргарлиги, қайта тайёргарлиги ва ижтимоий муҳофазаси ташкил этилишини таъминлаш;

ходимларни ўқитишни, шу жумладан иш жараённида замонавий фан ютукларидан ва янги технологияларидан фойдаланишни ташкил этиш ва амалга ошириш.

8.8. Ахборот-таҳлилий таъминлаш соҳасида

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, солиқ ва валюта соҳасида конун бузилиши ҳоллари ва уларни содир этган шахслар бўйича ягона марказлаштирилган компьютер ҳисобини юритиш.

8.9. Ахборот-тарғибот ишлари

аҳолининг хуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларнинг хуқуқий онгини мустаҳкамлаш, уларда молия-иқтисодий фаолият соҳасидаги конституциявий нормаларни ва амалдаги конун ҳужжатларини бажаришнинг зарурлиги тушунчасини шакллантириш бўйича мунтазам профилактик ишларни амалга ошириш.

+

-

IV. Департамент ва унинг худудий бўлинмаларининг хуқуқ ва мажбуриятлари

9. Департамент ва унинг худудий бўлинмалари ўзларига юклangan вазифалар ва бажарадиган функцияларига мувофиқ қуидаги хуқуқларга эга:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий ҳокимият органларида, мулкчилик шаклларида ва идоравий мансублигидан қатъи назар, корхоналар, мусассасалар ва ташкилотлардан, мансабдор шахслар ва фуқаролардан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларида Департаментга юклangan вазифаларнинг бажарилиши учун зарур бўлган ахборот, маълумотлар, материаллар ва ҳужжатларни белгилangan тартибда сўраб олиш, бундай ахборот олишнинг конун томонидан маҳсус тартиби белгилangan ҳоллар бундан мустасно. Департамент томонидан олинган ахборотдан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади ва у ошкора қилиниши мумкин эмас;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Департамент бўлинмалари ваколатига кирувчи масалалар бўйича тушуниришлар, маълумотномалар, маълумотлар олиш учун таклиф қилиш;

агар солиқ ва валюта соҳаларида, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноят содир этишда шубҳа қилиш учун етарлича асослар мавжуд бўлса, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг зарур ҳужжатларини белгилangan тартибда текшириш;

солиқлар, ўйғимлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича хисоб ва хисоботларнинг бузилиши, ёхуд уларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштирилиш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятларга алоқадорлиги аниқланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ

операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг телекоммуникация воситалари ва компьютер маълумотлар базалари, шунингдек солик тўловчиларнинг хужжатла-ри билан қонунда белгиланган тартибда танишиш;

Ўзбекистан Республикасининг жиной фаолиятдан олинган даромадлар легаллаштирилишига ва терроризмнинг молиялаштирилишига қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши масаласи бўйича текшириш тадбирларини амалга ошириш;

жиной даромадларнинг ўзлаштирилиши ва терроризмнинг молиялаштирилишига алоқадор бўлиши мумкин бўлган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини қонун хужжатларида белгиланган тартибда — истисно ҳолларда, Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг рухсати билан уларни асослайдиган сабаблар мавжуд бўлганда режадан ташқари текширувлар ўтказиш;

солик ва валюта соҳаларидаги жиноятлар тўғрисида ишончли маълумотлар бўлган тақдирда давлат солик хизмати органлари билан биргаликда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши режасига киритилган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишда қатнашиш;

хўжалик юритувчи субъектлар (солик тўловчилар)нинг даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солик солиш обьектларини сақлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш, омбор, савдо биноларини ҳамда бошқа бино ва жойларини уларнинг жойлашган жойидан ва мулкчилик шаклларидан катъи назар текшириш, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни назорат тартибда ўлчаш, товар-моддий бойликларни инвентаризациядан ўтказиш;

текшириш, тадқиқ этиш ва экспертиза ўтказиш учун товарлар, буюмлар, хомашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар намуналарини, шунингдек хужжатларни олиб кўйиш;

қонун хужжатларига мувофиқ валюта назорати органлари ва агентларига берилиглан функцияларни бажариш;

қонун хужжатларида белгиланган муддат ва тартибда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб кўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги хужжатларни жиной даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда катнашувчи тегишли органларга, шу жумладан жиной таъқиб қилиш, маъмурий таъсир кўрсатиш чоралари кўриш учун юбориш;

терговолди текширишларни амалга ошириш ва жиной ишлар кўзфатиш;

маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат хокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга аниқланган қонун бузилишлари бўйича уларни содир этишга имкон яратган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома киритиш;

валюта ва молиявий-иктисодий соҳада хуқуқ бузилишига қарши курашиш масалалари бўйича, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича хорижий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборот айирбошлаш;

зарурат бўлганда, жиной йўллар билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб масалалари бўйича ихтиослашган эксперталардан иборат доимий ёки вақтингчалик идоралараро гурухлар ташкил этиш тўғрисида Бош прокурорга таклифлар киритиш;

давлат сири ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирга риоя қилиш шарти билан тегишли экспертизалар ўтказиш, ўқитиш дастурлари, методик ҳужжатлар ишлаб чиқиш, дастурий ва ахборот таъминоти, молиявий мониторинг соҳасида ахборот тизимларини яратиш учун илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларни, шу жумладан шартнома асосида алоҳида мутахассисларни ишга жалб этиш;

Департамент ходимларига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар ҳам берилади.

11. Департамент ходимлари давлат, хизмат, тижорат сирини, жисмоний шахсларнинг омонатлари тўғрисидаги маълумотлар сирини ва улар ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олган бошқа ахборотни сир саклашлари керак. Сир ошкор қилинган тақдирда ходим қонунда белгиланган тартибида жавоб беради.

12. Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар Департамент ва унинг худудий бўлинмаларига келиб тушган хабарлар ва аризаларни ҳисобга олиниши, рўйхатдан ўтказилиши, текширилиши ва кўриб чиқилишининг белгиланган тартибида риоя қилиниши, суриштирув олиб бориш ва улар билан боғлик процессуал харакатларни амалга оширилиши, солик ҳақидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар ҳамда прокурорнинг ваколатига тегишли бўлган бошқа масалалар бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширилишини таъминлайдилар.

+

V. Департаментнинг тузилмаси ва унинг фаолиятини ташкил этиш

13. Департаментга мақомига кўра Бош прокурор ўринbosарига тенглаштирилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади.

Департамент бошлиғи уч нафар ўринbosарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринbosарга эга. Биринчи ўринbosар айни вақтда Йиғма ахборот-таҳлил бошқармасининг бошлиғи ҳисобланади, унинг асосий функциялари қилиб Департамент фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича режалар ишлаб чиқиш; уларнинг ижроси устидан тезкор назоратни амалга ошириш; Департамент раҳбарларига ҳисобот бериш учун якуний ҳужжатларни умумлаштириш белгиланади.

Департамент бошлиғининг ўринbosарлари ўз лавозимларига Департамент бошлиғи тақдимномасига биноан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Бош прокурор томонидан тайинланади.

Департаментнинг худудий бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринbosарлари, туман (шахар) бўлимлари бошлиқлари тегишли лавозимларга Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан Бош прокурор томонидан тайинланади.

14. Бошлиқ бошчилигидаги Департамент ягона марказлаштирилтан тизимни ташкил этади ҳамда кўйи органларнинг юқори турувчи органларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига тўлиқ бўйсуниши ва ҳисобот бериши асосида фаолият кўрсатади.

Департамент берилган ваколатларга мувофиқ ўз худудий бўлинмаларининг барча турдаги фаолияти устидан тезкор назоратни амалга оширади.

VII. Прокуратура органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш

15. Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасига ва унинг жойлардаги органларига қўйидагилар юкландади:

иктисодиёт, солик ва валютага оид жиноятлар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг легаллаштириши ва терроризмни молиялаштирилиши билан боғлиқ жиноят ишларини ўз вақтида текшириш, уларни қўзғатиш вақтидан бошлаб суд томонидан қарор қабул қилингунгача бўлган даврда жиноят ишини кўриб чиқиш муддатларини мумкин қадар қисқартиришни назарда тутган ҳолда уларни тезда судга юбориш;

иктисодиёт, солик ва валютага оид жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда қонунийликка ҳамда Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик ва Фуқаролик-процессуал кодекслари нормалари-га, бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

16. Департамент Ўзбекистон Республикасининг Баш прокурори томонидан белгиланган муддатларда Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг фаолияти тўғрисида, ҳамда солик ва валюта муомаласи соҳасида қонунийликнинг ҳолати ҳақида хисобот, ахборот ва хисоб-таҳлилий маълумотлар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ хужжатларни тақдим этилишини таъминлайди.

17. Валютани тартибга солиш, соликқа тортиш ва бюджеттага тўловлар соҳасида қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ олинадиган маълумотлар асосида амалга ошириладиган Департамент тадбирларини жорий ва истиқболли режалаштириш Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори билан келишган ҳолда амалга оширилади.

18. Баш прокурорнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган буйруқлари ва кўрсатмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳайъатининг Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарорлари Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг барча ходимлари томонидан сўзсиз бажарилиши лозим.

19. Солик, бюджет ва валюта назорати соҳаларида қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш, ҳамда ушбу соҳаларда содир этилган жиноят ва хуқуқбузарликлар учун жазонинг муқарарлиги тамойилини таъминлаш бўйича қўшма тадбирлар амалга оширилишида Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг прокуратура органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори томонидан тасдиқланади.

VII. Давлат солик хизмати ҳамда валютани назорат қилиш органлари ва агентлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш

20. Департамент давлат солик хизмати органлари, валютани назорат қилиш органлари ва агентлари билан қўйидаги йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорлик қиласи:

солик ва валютага оид хуқуқ бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш, ойлик, чорак ва йиллик профилактика тадбирларига мувофиқ тегишли тафтишлар ўтказилишини ташкил этиш;

давлат солиқ инспекцияларига режа кўрсаткичларни бажаришда, соликлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўз муддатида тўланмаган тўловларни ундиришда кўмаклашиш;

валютани назорат қилиш органлари ва агентлари томонидан валютага оид ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида маълумотлар тақдим этиш;

солик ва валютага оид ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича қўшма рейдлар ўтказиш;

солик органлари томонидан Департамент бўлинмаларига аниқланадиган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа тезкор-аҳамиятли маълумотлар тўғрисида ахборот тақдим этиш.

21. Департаментнинг вазифалари, функциялари ва мажбуриятларидан келиб чиқкан ҳолда белгиланган тартибда бошқа йўналишлар бўйича ҳам ўзаро ҳамкорлик амалга оширилади.

VIII. Марказий банк бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш

22. Департамент Марказий банк бўлинмалари билан қўйидаги йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорлик қиласди:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ қонунбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш, уларнинг профилактикаси бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

кредит ташкилотлари ва бошқа молия ташкилотларидан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар (битимлар) тўғрисида уларнинг терроризмни (экстремизмни) молиялаштиришга алокадорлиги эҳтимолини аниқлаш мақсадида қонунчиликда ўрнатилган тартибда ахборотларни олиш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширидиган ташкилотлар ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашда қатнашадиган органларга жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича фаолиятда қатнашадиган ёки қатнашишда шубҳа қилинадиган юридик ёки жисмоний шахслар тўғрисида ўрнатилган тартибда ахборот тақдим этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш борасида қўшма тадбирларни амалга ошириш;

тезкор-аҳамиятли ахборотни айирбошлаш.

23. Департаментнинг вазифалари, функциялари ва мажбуриятларидан келиб чиқкан ҳолда бошқа йўналишлар бўйича ҳам белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик амалга оширилади.

IX. Бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш

24. Департамент бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишган ҳолда, прокуратура томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш доирасида:

бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласди, солик ва валютага оид жиноятларга, шунингдек жиноий фаоли-

ятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг узоқ муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

солик ва валютага оид жиноятлар бўйича қўзғатилган жинойи ишларни, шунингдек жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда процессуал кўмаклашиш учун масалаларнинг бутун доираси юзасидан прокуратуранинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик килинишини таъминлайди;

прокуратура органлари билан ўзаро ҳамкорликда Департамент ва унинг худудий бўлинмалари томонидан қўзғатилган жинойи ишлар бўйича улар қўзғатилган ва тергов харакатлари ўтказилган вақтдан бошлаб ишлар кўриб чиқилиши ва суд инстанцияларида қарор қабул қилингунга қадар назоратни амалга оширади;

ички ишлар органлари билан биргаликда тезкор ахборот алмашиб, солик тўлашдан бўйин товлаган ҳамда солик ва валюта, шунингдек жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар содир этган шахсларни қидириш ва ушлаш тадбирларини амалга оширади;

хукуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда ушбу соҳадаги хукуқ бузилишлари ҳолатлари бўйича ўзаро ахборот айирбошлайди.

X. Департамент ходимларининг жавобгарлиги

— 25. Департамент ходимлари ўз функционал вазифаларини бажарилмаганликлари ёхуд зарур даражада бажарилмаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

+

26. Ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратораси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жинойи даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

XI. Департаментни ташкил этиш ва тугатиш тартиби

27. Департамент Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ташкил этилади ва тугатилади.


Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги
ПҚ-331-сон карорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ташкилий-штат тузилмаси



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги
ПҚ-331-сон қарорига
З-ИЛОВА


**Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиб департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар
бошқармаларининг намунавий ташкилий-штат тузилмаси**



+


Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги
ПҚ-331-сон қарорига
За-ИЛОВА

**Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши кураши департаментининг Тошкент шаҳар
бошқармасининг ташкилий-штат тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги
ПҚ-331-сон қарорига
4-ИЛОВА


**Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиб департаментининг Туман (шахар)
бўлимларининг намунавий ташкилий-штат тузилмаси**



+

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги
ПҚ-331-сон қарорига
4а-ИЛОВА

**Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга
қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар туман бўлимларининг
намунавий ташкилий-штат тузилмаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

148 Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мустакиллик йилларида қабул қилинган футболни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар Ўзбекистон футбол жамоаларига ҳалқаро майдонда сезиларли ютуқларга эришиш имконини берди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси, «Пахтакор» (Тошкент), «Нефтьчиче» (Фарғона), «Насаф» (Карши) клублари шулар жумласиданadir.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига Спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция килиш дастурининг амалга оширилиши туфайли республикада ҳар йили замонавий асбоб-ускуналар билан жихозланган стадионлар сони кўпаймоқда. Энг қобилияти ёш спортчиларни аниқлаш ва келгусида улардан юқори малакали футбольчилар тарбиялаш имконини берадиган иқтидорли спортчи ёшларни қидириб топиш ва тайёрлаш тизими тобора такомиллаштирилмоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда миллий чемпионат нуфузини ва мақомини ошириш, юқори классли футбольчиларни ва спорт захирасини тайёрлашни ташкил этиш ва таъминот ишлари сусайди, Ўзбекистон футбол жамоаларини қўллаб-куватлаш бўйича мамлакатимиз ҳомийлари ва донорларининг фаоллиги пасайди. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) ва МХСК (Тошкент) футбол клублари фаолиятини тўхтатди. Кўп йиллик тарихга эга бўлган «Қўқон-1912», «Сурхон» (Термиз), «Зарафшон» (Навоий) футбол жамоалари машҳурлигини йўқотмоқда.

Мазкур камчиликлар хозирги вактда етарли моддий-техника базасига, маблағ билан таъминлаш манбаларига, шунингдек малакали ходимларга эга бўлмаган бир катор вилоят футбол федерациялари ишларининг сустлиги оқибатидир. Вилоятларда болалар-ўсмирлар жамоалари ўртасида ўкув машғулотлари жараёнининг ва мусобақаларнинг паст савияда ташкил этилаётганлиги тегишли футбол федерациялари ишларининг сустлиги, айрим минтақаларда эса — уларнинг ишдан ўзини четга олишлари ҳамда бунга вилоят, шаҳар ҳокимларни томонидан эътибор берилмаётгани билан бевосита боғлиқдир.

Футболни ривожлантириш учун ёрдам кўрсатиш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Футбол федерациясини ва футбол клубларини ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш, жаҳон ва Осиё қитъаси чемпионатларида, ҳалқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юқори классли футбольчилар тайёрлашни таъминлаш, шунингдек мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг:

фаолият кўрсатаётган футбол клубларини қайта ташкил этиш йўли билан мулчиликнинг турли шаклларидағи профессионал футбол клубларини ташкил этиш тўғрисидаги;

захира тайёрлаш учун профессионал футбол клубларининг ўз тузилмасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларини киритишни мажбурий деб ҳисоблаш ҳақидаги;

футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этиш,

шунингдек Тошкент шаҳрида Россия тренерлар олий мактаби филиалини очиш мақсадга мувофиқлиги тӯғрисидаги;

Ўзбекистон Футболини қўллаб-кувватлаш жамғармасини унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиаллари билан бирга ташкил қилиш тӯғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Футболини қўллаб-кувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Футбол федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, профессионал футбол клублари томонидан ташкил этилиши ва у қўйидагиларни таъминлаши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин:

мамлакатимиз оммавий ва профессионал футболини ривожлантиришга, профессионал футбол клубларини ташкил этиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш;

футбол жамоаларининг алоҳида намуна кўрсатган иқтидорли ўйинчиларини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш тизимини яратиш, қобилиятли ёшларни футболга жалб этиш, футболчилар янги авлодининг ишончли захирасини шакллантириш;

тажриба алмашибда ҳамда Ўзбекистон футболчилари, тренерлар ва ҳакамлар таркибининг профессионал маҳоратларини оширишда чет эл футбол клублари ва федерациялари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

юқори классли футболчилар ва спорт захирасини тайёрлашнинг самарали методларини ишлаб чиқиши бўйича илмий-методик тадқиқотлар ўтказишида кўмаклашиш;

мамлакатимиз футболини ривожлантириш мақсадида маҳаллий ва хорижий ҳомийларни, манфаатдор корхоналар ва жамоат ташкилотларини ҳамкорлик қилишга жалб этиш.

+

-

3. Белгилансинки, профессионал футбол клубини ташкил қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, спорт ташкилотлари, шунингдек тижорат тузилмалари, юридик ва жисмоний шахслардан иборат муассислар томонидан уларнинг шакллантирилаётган клублар ташкилий ва молиявий масалаларини ҳал этишдаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабини, уни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, Ўзбекистон Футбол федерацияси тасарруфига ўтказсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларининг ишларини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этсин.

5. Қўйидагилар белгилансин:

Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактаби хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлайди, қайта тайёрлайди ҳамда уларнинг малакасини оширади;

футбол бўйича тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Футбол федерацияси ва профессионал клубларнинг буюртманомалари бўйича амалга оширилади;

Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабининг таълим жараёнида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг кадрлар, илмий-методик ва ресурс салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилади.

6. Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Пахтакор» ОАЖнинг эркин сотиши учун мўлжалланган акцияларининг 49 фоизини «Пахтакор» Футбол клуби кўшма корхонасига унинг томонидан стадионни ҳамда комплекснинг бошқа спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда белгиланган тартибида топшириш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Профессионал футбол клублари ҳамда Футбол федерацияси ва унинг худудий бўлинмалари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, стадионларни реконструкция қилиш ва футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган четдан келтириладиган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ҳамда материаллар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йигимларидан ташқари);

солиқлар ва йигимларнинг барча турларини тўлашдан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) бўшайдиган маблағларни футболни ривожланишига мақсадли йўналтирган ҳолда озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси кўрсатиб ўтилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мамлакатда оммавий футбол харакати ривожланишини, энг яхши футбол клублари, спорт мактаблари, жисмоний тарбия жамоалари, мутахассислар ва тренерлар фаолиятини мунтазам равишда ва кенг ёритсин, расмий футбол ўйинлари ўтказилишини тарғиб этсин ва реклама килсин.

Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон чемпионати ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари ўйинларини трансляция қилиш учун телевизион хукуқларга эга бўлиш юзасидан шартнома тузиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар билан биргаликда бир ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 1 май,
ПҚ-338-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

149 Ҳалқаро шартномаларни тасдиқлаш түғрисида

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозогистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2006 йилнинг 20 марта Тошкент шаҳрида имзоланган ҳалқаро автомобиль қатнови түғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозогистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2006 йилнинг 20 марта Тошкент шаҳрида имзоланган чегараолди худудларда фуқаролик мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Қозогистон Республикаси радиохизматлари томонидан фойдаланиладиган 30.0—1000.0 МГц радиочастота полосасидаги радиочастота ўзлаштирувани мувофиқлаштириш түғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозогистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2006 йилнинг 20 марта Тошкент шаҳрида имзоланган фан ва технологиялар соҳаларида ҳамкорлик қилиш түғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозогистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2006 йилнинг 20 марта Тошкент шаҳрида имзоланган интеллектуал мулк ҳукуқларини муҳофаза қилиш жабҳаларида ҳамкорлик түғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозогистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2006 йилнинг 20 марта Тошкент шаҳрида имзоланган эркин савдо түғрисида 1997 йил 2 июня имзоланган Битимга эркин савдо тартибидан истиснолар түғрисидаги Протокол тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур ҳалқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани түғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари ушбу ҳалқаро шартномалар кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ижроси устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазари Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 5 май,
ПҚ-347-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

150 **Халқаро шартномани тасдиқлаш түғрисида**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 1998 йилнинг 6 майида Москва шаҳрида имзоланган ахборот-маданият марказларини таъсис этиш ва уларнинг фаолият шартлари түғрисидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур шартноманинг кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани түғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ижроси устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 май,
ПҚ-348-сон

—

+

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

151 Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи роли- ни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг хорижий инвесторларга ва хорижий инвестицияларга тенг хукуқли режим бериш хақидаги 9-моддаси қоидаларини амалга оширишни давом эттириш, республика худудида инвестиция фаолиятини фаоллаштириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференцияларининг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтказилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқ солиш солиқ солинаётган вақтда амалда бўлган конун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтказилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар қонун хужжатларида белгиланган барча умумий солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларидан, шунингдек қонун хужжатларида (шу жумладан инвестиция шартномаларида, маҳсулот тақсимотига оид битимларда) назарда тутилган тартибга ва шартларга қатъий риоя қилган ҳолда берилган қўшимча имтиёзлар ва преференциялардан тўлиқ ҳажмда фойдаланадилар.

2. Белгилаб қўйилсинки, солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қўшимча имтиёзлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга фақат аниқ белгиланган муддатга берилади ва муддатсиз тусда бўлиши мумкин эмас.

3. Хукумат қарорлари билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича илгари берилган, қонун хужжатларида назарда тутилмаган ҳамда муддатсиз тусдаги барча имтиёзлар 2006 йил 1 июндан бошлаб бекор қилинсин.

4. Хорижий инвестициялар иштирокидаги фаолият кўрсатаётган, тармоққа кирадиган ёки қонун хужжатларида устувор деб эътироф этилган лойихаларни амалга ошираётган корхоналарга келгусида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар беришнинг зарурлиги ва самарадорлиги масалаларини муфассал ишлаб чиқиши таъминлаш учун иловага* мувофиқ таркибда маҳсус ишчи гурух тузилсин, унга:

илгари Хукумат қарорлари билан солиқлар, йиғимлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддатсиз қўшимча имтиёзлар берилган хорижий инвестициялар иштирокидаги айрим корхоналарнинг мурожаатларини ҳар томонлама кўриб чиқиш;

айрим корхоналарнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича Ўзбе-

* Илова берилмайди.

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига илгари муддатсиз имтиёзларга эга бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги айрим корхоналарга аниқ муайян муддатга, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорида белгиланган тартибда инвестиция шартномалари тузган ҳолда соликлар, ўйнимлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича асосланган имтиёзлар белгилаш юзасидан асосланган тегишли таклифлар киритиш юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва иодаралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 1 май,
74-сон

—

+

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

152 Ягона солик тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшим- чалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
29 апрелда 1501-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 9 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) мувофиқ **қарор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2005 йил 2 августдаги 69, 2005-45-сон қарори билан тасдиқланган Ягона солик тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2005 йил 2 август, рўйхат рақами 1501 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 239-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
19-сон

Давлат солик қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
2006-11-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

153 Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
29 апрелда 1109-б-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 9 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Конунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроинтисидий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) мувофиқ **қарор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 15, 2002-12-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 13 март, рўйхат рақами 1109 — Меъерий хужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5, 11-12, 19-сон; 2003 й., 4-сон; Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон, 122-модда; 2005 й., 5-6-сон, 45-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
23-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
2006-5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
«ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**154 Коммунал хизматларга тарифларни шакллантириш-
да харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабеллик-
нинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни
тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
1 майда 1566-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 11 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сонли «Коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2001 й., 8-сон, 39-модда) ва 2005 йил 23 сентябрдаги ПФ-3662-сонли «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини кўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 283-модда) фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий мақроитисодий кўрсатичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) ва 2005 йил 11 февралдаги ПҚ-5-сонли «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл кўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ хисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 5-6-сон, 31-модда) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли «Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қарорлари тўплами, 1999 й., 2-сон, 9-модда), 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сонли «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қарорлари тўплами, 2000 й., 9-сон, 61-модда), 2001 йил 18 апрелдаги 178-сонли «Аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қарорлари тўплами, 2001 й., 4-сон, 23-модда), 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 52-сон, 523-модда) қарорларига мувофик **қарор қиласиз:**

1. Илова* қилинаётган «Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низом» (янги таҳрирда) тасдиқлансан.
2. Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан:

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 3 июлдаги Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги 51, 4-2/4-3-253, 01-629-сонли ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги «Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низом тўғрисида»ги қарори (2001 йил 4 август, рўйхат рақами 1059 — Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, 15-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 6 октябрдаги, Иктисадиёт вазирлиги ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги 112, 11, 01-1053-сонли «Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомга ўзгартириш киритиш ҳакида»ги қарори (2003 йил 13 октябрь, рўйхат рақами 1059-1 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 19-20-сон).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг амалга киритилсин.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 март,
31-сон

Иктисадиёт вазирлиги биринчи ўринbosари У. РОЗУҚУЛОВ

—
Тошкент ш.,
2006 йил 14 март,
1-сон

+

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори У. ХОЛМУҲАМЕДОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 март,
02-317-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

155 Божхона брокери тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
1 майда 1272-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 11 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Конуннинг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қиласиди:

1. Божхона брокери тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан (2003 йил 15 сентябрь, рўйхат рақами 1272 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 17-18-сон).
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг амалга киритилсан.
3. Мазкур қарорнинг ижроси Давлат божхона қўмитасининг раиси ўринbosани Ш. Хайруллаевга юклатилсан.

+

Давлат божхона қўмитаси раиси С. НОСИРОВ

-

Тошкент ш.,
2006 йил 3 апрель,
01-02 / 20-5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ
 МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

156 Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлаш-
 га кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисо-
 бидан шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачилик-
 ни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар
 бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
 2 майда 1567-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 12 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 марта «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли қарори З-бандининг ижро-
 сини таъминлаш мақсадида **қарор қиласиз:**

1. Илова қилинаётган «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низом» тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 14 апрель,
 275-В-сон

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 14 апрель,
 41-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 14 апрель,
 113-сон

Марказий банки Бошқаруви, Молия
вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг
2006 йил 14 апрелдаги 275-В, 41,
113-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга
кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий
ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни
ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартағи «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оиласарнинг шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар



1. Мазкур Низом мақсадида қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

шахсий ёрдамчи хўжалик — қишлоқ, овул ва қўргонларда яшовчи фукароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун уй-жой куриш учун берилган участкаларининг бир кисми — томорқада оила аъзоларнинг шахсий меҳнати асосида оила эҳтиёжлари учун дехкончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етишириш ҳамда оила эҳтиёжидан ортиқчасини дехқон бозорларида сотиш билан шуғулланадиган оиласавий хўжалик;

дехқон хўжалиги — оила аъзоларнинг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиширадиган ва реализация қиласидаган, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оиласавий майда товар хўжалиги.

2. Мазкур Низом асосида тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Бандлик жамғармаси) маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оиласарнинг шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиши қайтаришлик, тўловлилил, таъминланганлик, муддатлилил ва мақсадли фойдаланиши шартлари асосида амалга оширилади.

3. Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан чорвачиликни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзли мақсадли микрокредитлар (кейинги ўринларда — микрокредитлар) миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 80 бараваригачани ташкил этади.

4. Мазкур Низом асосида микрокредитлар факат кам таъминланган оиласарнага берилади. Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларини кам таъминланган оиласар сифатида эътироф этиш қонунчиликда белгилangan тартибда амалга оширилади.

Чорвачиликни ривожлантириш учун кам таъминланган оиласарнага микрокредит-



лар ажратишига маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йигини Кенгашлари тавсияномалари асос бўлиб хизмат қилади.

5. Ушбу микрокредитлар шартнома асосида З йилгача бўлган муддатга, қайта-риш муддатини узайтириш хукукисиз берилади.

6. Ушбу микрокредитлар чорвачиликни ривожлантириш учун қарз олувчининг хохишига кўра пул ўтказиб бериш йўли билан ёки нақд пул шаклида берилади.

7. Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори банк маржасини қўшиб хисоблагандан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг $1/4$ қисми даражасида белгиланади. Бунда белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизини банк маржаси ташкил этади

II. Бандлик жамғармаси томонидан тижорат банкларида кредит линияларини очиш тартиби

8. Кредит линиясини очиш учун Бандлик жамғармаси ва Бош банк ўртасида Бош келишув тузилади. Бош келишувда Бандлик жамғармаси ва Бош банк ўртасида очиладиган кредит линиясига хизмат кўрсатиш бўйича томонларнинг ўзаро хукуқ ва мажбуриятлари, кредитлаш муддатлари, имтиёзли фоиз ставкаси, банк маржаси, банкларнинг вилоят ва туман бўлимлари томонидан кредитлар бериш борасида ўрнатиладиган лимит (чегара) лар ва бошқа шартлар белгилаб олинади.

9. Бандлик жамғармаси ва Бош банк ўртасида Бош келишув имзоланганидан кейин, улар ўртасида кредит линияси очиш тўғрисида кредит шартномаси тузилади. Шунингдек, кредит линиялари очиш учун кредит шартномалари тижорат банкларнинг вилоят бўлимлари, агар уларга Бош банк томонидан ушбу ваколат берилган бўлса, ва Бандлик жамғармасининг вилоят бўлинмалари ўртасида ҳам тузилиши мумкин.

10. Бош банк билан тузиладиган кредит линияси очиш тўғрисидаги кредит шартномасига қўйидаги шартлар киритилган бўлиши лозим:

+
—
—

бир йиллик кредит линиясининг чораклар ва вилоятлар бўйича тақсимланган ҳолдаги миқдори;

банк маржаси чегирилган имтиёзли фоиз ставкаси;

кредит линияси маблағлари йўналтириладиган мақсад;

берилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби.

11. Бандлик жамғармаси ва Бош банк ўртасида тузиладиган кредит линияси очиш тўғрисидаги кредит шартномасида ушбу маблағлар банк томонидан факат кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш мақсадларига микрокредит беришда кредит ресурслари сифатида ишлатилиши алоҳида қайд этилади.

12. Кредит шартномаси имзоланганидан кейин Бандлик жамғармаси ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмай кредит линияси суммасини тижорат банкининг вакиллик ҳисобвараfiga ўтказади.

13. Бандлик жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун берилган маблағлар 22005 «Бюджетдан ташқари жамғармалардан олинган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобвараfiga ҳисобга олинади.

14. Банклар очилган кредит линияси суммасига Бош келишувда белгилаб қўйилган банк маржаси чегирилган ҳолдаги имтиёзли фоиз ставкаси миқдорида фоизлар ҳисоблайди. Мазкур ҳисобланган фоизлар алоҳида ҳисобварақда жамланади ва кре-

дит шартномасида келишиб олинган муддатларда Бандлик жамғармасининг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

15. Навбатдаги кредит линияларини очиш учун Бандлик жамғармаси ва Бош банк ўртасида кредит шартномасига янги кредит линиялари суммаси кўрсатилган қўшимча келишув имзоланади.

16. Берилган микрокредитнинг кредит шартномасида белгиланган қайтариш муддати тугаганидан кейин қарз олувчи томонидан микрокредит банкка қайтарилиганидан қатъи назар, Бош банк Бандлик жамғармасининг маблағларини, уларга тегишли давр учун ҳисобланган ва банк маржаси чегириб қолдирилган фоизларни қўшган ҳолда бюджетдан ташқари жамғарманинг банк ҳисобварағига қайтариши шарт.

III. Микрокредитларни расмийлаштириш тартиби

17. Кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи хўжалик юритувчи жисмоний шахслар ва дехқон хўжаликлари бошлиқлари чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан микрокредит олиш учун, қоида тарақасида, ўзлари яшаб турган туманда жойлашган тижорат банклари филиалларидан бирига микрокредит беришни сўраб ариза билан мурожаат этишлари лозим.

18. Микрокредитлар олиш учун шахсий ёрдамчи хўжалиги юритувчи жисмоний шахс ёки дехқон хўжалиги бошлиғи томонидан банкка қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- + 1) Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан чорвачиликни ривожлантириш учун мақсадли микрокредит беришни сўраб ёзилган ариза;
- 2) маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашларининг ушбу микрокредит олувчи жисмоний шахсга чорвачиликни ривожлантириш учун банк томонидан микрокредит берилишига тавсияномаси;
- 3) микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти ҳақидаги қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган хужжат.

Бундан ташқари, жисмоний шахс ёки дехқон хўжалиги бошлиғи ўз паспортини шахсан кўрсатади ва паспорт нусхаси кредит йиғмажилдига тикиб қўйилади. Дехқон хўжалигини давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги рўйхатга олувчи орган томонидан берилган гувоҳноманинг нусхаси ҳам кредит йиғмажилдига тикиб қўйилиши талаб этилади.

19. Маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинининг Кенгашлари томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун банк томонидан кредит берилиши тўғрисидаги тавсияномада шахсий ёрдамчи хўжалиги ёки дехқон хўжалигига қорамол боқиши учун шароит мавжудлиги, ушбу оила кам таъминланган оила эканлиги, унинг таркибида доимий иш жойига эга бўлмаган оила аъзолари мавжудлиги алоҳида таъкидланиши лозим. Тавсиянома маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашининг раиси томонидан имзоланиб, гербли муҳр қўйилган бўлиши лозим.

20. Қарз олувчилар микрокредитларни қайтарилишини таъминоти сифатида банкка қўйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этишлари мумкин:

- мол-мулк гарови;
- банк ёки суфурта компанияси кафолати;
- учинчи шахс кафиллиги;
- карз олувчи томонидан олинган кредитни қайтарилмаслик хатарининг банк-бенефициар фойдасига суфурта қилинганлиги тўғрисидаги суфурта полиси.

Микрокредит хисобига сотиб олинган қорамол мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сотиб олинган қорамол кредитни қайтариш таъминоти сифатида гаровга олингандা, ушбу қорамолнинг ўлиб қолиши, ўғирланиши, табиий оғатлар натижасида нобуд бўлиш холларидан банк (бенефициар) фойдасига сувурта қилинади.

21. Кафиллик банк фойдасига кафил ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги З (уч) нусхада кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу шартноманинг охирги бетида кафил ва қарздор имзоларидан кейин, банк томонидан мазкур кафиллик қабул қилинганлиги тўғрисида банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр қўйилган ёзув киритилади.

22. Микрокредит сўраб, мазкур Низомнинг 18 бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, берилган аризанинг банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк филиали кредит қўмитаси томонидан хулоса бериш мuddати 5 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Микрокредит бериш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, банк аризачига бу хақда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

23. Тижорат банки филиали кредит қўмитасининг қарори узил-кесил бўлиб Бандлик жамғармаси кредит линияси хисобидан микрокредитлар бериш ёки бермаслик учун асос ҳисобланади.

24. Бандлик жамғармаси томонидан шахсий ёрдамчи ва дехқон ҳўжаликлари ни уларга мурожаат қилишини талаб қилиши, шунингдек, тижорат банкларидан мазкур кредитларни ажратишга доир қарорлар ва шу масала билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни талаб қилишига йўл қўйилмайди.

— +
25. Тижорат банки филиали кредит қўмитаси томонидан қарз олувчининг аризаси бўйича ижобий ҳулоса берилганидан кейин Бандлик жамғармасининг кредит линиясида маблағ мавжуд бўлмаса, банк филиали шу куннинг ўзида Бош банкка ёки ушбу банкнинг вилоят бўлимига мазкур кредит линияси бўйича қўшимча маблағлар ажратиш ҳақидаги буюртмани йўллайди.

Банк бўлимининг буюртмаси асосида Бош банк ёки унинг вилоят бўлими буюртма олинган куннинг эртасидан кечиктирмай Бандлик жамғармаси кредит линияси хисобидан талаб қилинаётган суммани ажратади.

Агар Бандлик жамғармасининг Бош тижорат банкида очилган кредит линиясида маблағлар мавжуд бўлмаса, Бош банк шу куннинг ўзидаёқ бу хақда банк филиалига хабар беради ва бир вақтнинг ўзида, Бандлик жамғармасига қўшимча маблағлар ажратиш ҳақидаги талабномани жўнатади.

26. Тижорат банки филиали Бандлик жамғармасининг кредит линиясида маблағлар вақтнчалик мавжуд эмаслиги ҳақидаги хабарни олганидан кейин, ушбу хабар олинган куннинг эртасидан кечиктирмай, қарз олувчини бу хақда хабардор қиласди. Айни вақтда, банк филиалининг кредит қўмитаси томонидан аризалари маъқулланган барча қарз олувчиларнинг исми ва шарифи (агар улар дехқон ҳўжлиги бўлсалар — уларнинг номи), уларнинг кредит аризалари банк филиали кредит қўмитаси томонидан маъқулланган санадан келиб чиққан ҳолда, календарь навбат асосида рўйхат тузади.

Банк филиали томонидан кредит олиш учун навбатда турганлар рўйхати операциялар зали (фронт офис)нинг кўринадиган жойига барчанинг танишиши учун осиб қўйилади. Ушбу рўйхатнинг банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган нусхалари тижорат банкининг вилоят бўлимига ва Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига назорат олиб бориш учун тақдим этилади.

Бандлик жамғармасининг кредит линиясига маблағ келиб тушганидан кейин

микрокредитлар бериш қатъиј равишда тузилган рўйхат асосида календарь навбати билан амалга оширилади.

27. Микрокредит шартномаси тузилган куннинг эртасидан кечиктиргаган холда банк томонидан қарз олувчига ссуда хисобвараги очилади.

IV. Кредитлаш ва кредитни қайтариш тартиби

28. Микрокредитларни бериш ссуда хисобварагидан қарз олувчининг тўлов топшириқномасига кўра чорвачиликни ривожлантириш учун пул ўтказиб бериш ёки нақд пул бериш йўли билан амалга оширилади.

29. Шахсий ёрдамчи хўжалиги юритувчи жисмоний шахс томонидан микрокредитлар ва уларга хисобланган фоизлар банк кассасига нақд пул топшириш ёки қарз олувчининг омонат хисобварагидан пул ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

30. Дехкон хўжалиги микрокредитнинг нақд пулда олинган қисми ва унга хисобланган фоизлар тўловини банк кассасига нақд пул топшириш йўли билан амалга оширади.

31. Жисмоний шахсларга берилган микрокредитлар хисоби 14900-сонли «Жисмоний шахсларга берилган узок муддатли ссудалар» баланс хисобваракларида ва дехкон хўжаликларида берилган микрокредитларнинг хисоби 15000-сонли «Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узок муддатли ссудалар» баланс хисобваракларида юритилади.

+ 32. Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишининг бутун муддати давомида фуқаролар йигинининг маҳалла, қишлоқ, овул Кенгаши масъуль ходими иштироқида микрокредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиланаётгандигини аниқлаш бўйича бевосита жойига чикиб доимий мониторинг амалга оширилади.

- 33. Олинган микрокредитдан бошқа мақсадда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчидан муддатидан олдин ундириб олиш хукуқига эга.

34. Микрокредит бўйича қарздорликни ундиришда биринчи навбатда микрокредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ундирилади.

Микрокредитни қайтариш таъминоти сифатида учинчи шахс кафиллиги қабул қилинган бўлиб, қарз олувчи микрокредитни ва унга хисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтармаган тақдирда, банк, кафилдан микрокредит ва унга хисобланган фоизларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олади.

35. Микрокредит белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда банк ундирувни гаров предметига ёки микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти сифатида тақдим этилган таъминотнинг бошқа шаклларига конун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаратади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**157 Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва
дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожланти-
риш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тарти-
би тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
2 майда 1568-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 12 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 марта «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли қарори З-бандининг ижро-сини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви қарор қиласди:

1. «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом» иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсан.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 8 апрель,
9/7-сон

Марказий банки Бошқаруви
тomonidan 2006 йил 8 апрелдаги
9/7-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва дехқон
хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли
мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 марта «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб тижорат банклари томонидан кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар (кейинги ўринларда — микрокредитлар) бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мақсадида қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

шахсий ёрдамчи хўжалик — қишлоқ, овул ва кўргонларда яшовчи фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун уй-жой қуриш учун берилган участкаларининг бир қисми — томорқада оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оила эҳтиёjlари учун дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етишириш ҳамда оила эҳтиёжидан ортиқасини дехқон бозорларида сотиш билан шуғулланадиган оиласиий хўжалик;

дехқон хўжалиги — оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиширадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оиласиий майдо товар хўжалиги.

2. Тижорат банклари томонидан кам таъминланган оиласарнинг шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар бериш мазкур Низомда белгиланган тартибга биноан қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

3. Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам иш ҳақининг 80 бараваригачани ташкил этади.

4. Мазкур Низом асосида микрокредитлар фақат кам таъминланган оиласарга берилади. Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларини кам таъминланган оиласар сифатида эътироф этиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чорвачиликни ривожлантириш учун кам таъминланган оиласарга микрокредитлар ажратишига маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашлари тавсияномалари асос бўлиб хизмат қилади.

5. Ушбу микрокредитлар шартнома асосида З йилгача бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳукуқисиз берилади.

6. Чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар қарз олувчининг хоҳишига кўра пул ўтказиб бериш ўйли билан ёки нақд пул шаклида берилади.

7. Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади.

II. Микрокредитларни бериш тартиби

8. Шахсий ёрдамчи хўжалик юритувчи жисмоний шахслар ва дехқон хўжаликлари бошлиқлари чорвачиликни ривожлантириш мақсадида микрокредит олиш учун, қоида тариқасида, ўзлари яшаб турган туманда жойлашган тижорат банклари филиалларидан бирига микрокредит беришни сўраб ариза билан мурожаат этишлари лозим.

9. Микрокредитлар олиш учун шахсий ёрдамчи хўжалиги юритувчи жисмоний шахс ёки дехқон хўжалиги бошлиғи томонидан банкка қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- 1) чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредит беришни сўраб ариза;
- 2) маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашларининг ушбу микрокре-

дит олувчи жисмоний шахсга чорвачиликни ривожлантириш учун банк томонидан микрокредит берилшига тавсияномаси;

3) микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти ҳақидаги қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат.

Бундан ташқари, жисмоний шахс ёки дехқон ҳўжалиги бошлиғи ўз паспортини шахсан кўрсатади ва паспорт нусхаси кредит йифмажилдига тикиб қўйилади. Дехқон ҳўжалигини давлат рўйхатига олинганилиги тўғрисидаги рўйхатга олувчи орган томонидан берилган гувоҳноманинг нусхаси ҳам кредит йифмажилдига тикиб қўйилиши талаб этилади.

10. Махалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинининг Кенгашлари томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун банк томонидан кредит берилши тўғрисидаги тавсияномада шахсий ёрдамчи ҳўжалиги ёки дехқон ҳўжалигига қорамол боқиш учун шароит мавжудлиги, ушбу оила кам таъминланган оила эканлиги, унинг таркибида доимий иш жойига эга бўлмаган оила аъзолари мавжудлиги алоҳида таъкидланиши лозим. Тавсиянома махалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашининг раиси томонидан имзоланиб, гербли муҳр қўйилган бўлиши лозим.

11. Қарз олувчилар микрокредитларни қайтарилишини таъминоти сифатида банкка қўйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этишлари мумкин:

мол-мулк гарови;

банк ёки суфурта компанияси кафолати;

учинчи шахс кафиллиги;

карз олувчи томонидан олинган кредитни қайтарилимаслик хатарининг банк-бенефициар фойдасига суфурта қилинганилиги тўғрисидаги суфурта полиси.

Микрокредит ҳисобига сотиб олинган қорамол мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сотиб олинган қорамол кредитни қайтариш таъминоти сифатида гаровга олингандা, ушбу қорамол касалланиб ўлиб қолиши, ўғирланиши, табиий оғатлар натижасида нобуд бўлиш ҳолларидан банк (бенефициар) фойдасига суфурта қилинади.

12. Кафиллик банк фойдасига кафил ва карз олувчи ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги З (уч) нусхада кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу шартноманинг охирги бетида кафил ва қарздор имзоларидан кейин, банк томонидан мазкур кафиллик қабул қилинганилиги тўғрисида банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр қўйилган ёзув киритилади.

13. Микрокредит сўраб, мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, берилган аризанинг банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк филиали кредит қўмитаси томонидан хуласа бериш муддати 5 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Микрокредит бериш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, банк аризачига бу ҳақда ёзма шаклда маълум қилиши шарт

14. Тижорат банки филиали кредит қўмитасининг қарори узил-кесил бўлиб микрокредитлар бериш ёки бермаслик учун асос ҳисобланади.

15. Микрокредит шартномаси тузилган куннинг эртасидан кечиктирмаган ҳолда банк томонидан қарз олувчига ссуда ҳисобварафи очилади.

16. Микрокредитларни бериш қарз олувчининг ссуда ҳисобварафидан қарз олувчининг тўлов топширикномасига асосан, кредит шартномасида кўрсатилган сумма доирасидаги маблағларни чорвачиликни ривожлантириш учун пул ўтказиб бериш ёки накд пул бериш йўли билан амалга оширилади.

III. Микрокредитларни қайтариш тартиби

17. Шахсий ёрдамчи хўжалиги юритувчи жисмоний шахс томонидан микрокредитлар ва уларга хисобланган фоизлар банк кассасига нақд пул топшириш ёки қарз олувчининг омонат ҳисобварағидан пул ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

Дехқон хўжалиги микрокредитнинг нақд пулда олинган қисми ва унга хисобланган фоизлар тўловини банк кассасига нақд пул топшириш йўли билан амалга оширади

18. Жисмоний шахсларга берилган микрокредитлар хисоби 14900-сонли «Жисмоний шахсларга берилган узок муддатли ссудалар» баланс ҳисобваракларида ва дехқон хўжаликларида берилган микрокредитларнинг хисоби 15000-сонли «Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узок муддатли ссудалар» баланс ҳисобваракларида юритилади.

19. Тижорат банклари томонидан микрокредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида фуқаролар йиғинининг маҳалла, қишлоқ, овул Кенгаши масъул ходими иштироқида микрокредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиланаётганигини аниқлаш бўйича бевосита жойига чиқиб доимий мониторинг амалга оширилади.

20. Олинган микрокредитдан бошқа мақсадда фойдалангандлик холати аникланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчидан муддатидан олдин ундириб олиш хукуқига эга.

21. Микрокредит бўйича карздорликни ундиришда биринчи навбатда микрокредитдан фойдалангандлик учун фоизлар ундирилади.

22. Микрокредитни қайтариш таъминоти сифатида учинчи шахс кафиллиги қабул қилинган бўлиб, қарз олувчи микрокредитни ва унга хисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтармаган тақдирда, банк, кафилдан микрокредит ва унга хисобланган фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олади.

23. Микрокредит белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда банк ундирувни гаров предметига ёки микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти сифатида тақдим этилган таъминотнинг бошқа шаклларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаратади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ
КЎМИТАСИ РАЙСИННИГ
БУЙРУГИ

158 Ўзбекистон Республикаси худудида Ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
2 майда 1569-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 12 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрги 508-сонли «Биологик ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда ов ва балиқ овлаш қоидаларини тартибига солиш ва уларга амал қилинишини таъминлаш максадида **буораман**:

1. Ўзбекистон Республикаси худудида «Ов ва балиқ овлаш қоидалари» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киритилсан.
3. Ушбу буйруқ амалга киритилиши билан, 1997 йил 15 апрелда Табиятни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси раиси А.Ш. Хабибуллаев тасдиқланган (1997 йил 1 май, рўйхат рақами 337) «Ов ва балиқ овлаш қоидалари» ўз кучини ўқотган деб ҳисоблансан.

Табиятни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси раиси Б. АЛИХАНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 22 март,
27-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

159 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисоблар режасини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
3 майда 1570-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 1 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида»ги Конунига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3618-сонли Фармонининг 1-илова IV бўйим 6-банди ижросини амалга ошириш мақсадида **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисоблар режаси иловага* асосан тасдиқлансан.
2. Ушбу буйруқ молия ва ғазначилик органлари, бюджет маблағлари олувчилар ва давлат мақсадли фонdlар тақсимловчиларига жорий этилсан.
3. Мазкур буйруқ 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кирилсан.

+

-

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 апрель,
37-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 29 апрелдан 5 майгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ягона солик тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 19, 2006-11-сон қарори.

2006 йил 29 апрелда 1501-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 9 майдан кучга киради).

2. «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган соликни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўрикномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 23, 2006-5-сон қарори.

2006 йил 29 апрелда 1109-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 9 майдан кучга киради).

3. «Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркиби ни аниқлаш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 йил 14 мартағи 31, 1, 02-317-сон қарори.

2006 йил 1 майда 1566-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 11 майдан кучга киради).

4. «Божхона брокери тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 3 апрелдаги 01-02 / 20-5-сон қарори.

2006 йил 1 майда 1272-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 11 майдан кучга киради).

5. «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлигининг 2006 йил 14 апрелдаги 275-B, 41, 113-сон қарори.

2006 йил 2 майда 1567-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 12 майдан кучга киради).

6. «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш

тариби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 8 апрелдаги 9/7-сон қарори.

2006 йил 2 майда 1568-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 12 майдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартағи 27-сон буйруғи.

2006 йил 2 майда 1569-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 12 майдан кучга киради).

8. «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ғазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисоблар режасини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 7 апрелдаги 37-сон буйруғи.

2006 йил 3 майда 1570-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 январдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низом, 1-сонли ўзгартиришлар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан тасдиқланган (2001 йил 4 август, рўйхат рақами 1059; 2003 йил 13 октябрь, рўйхат рақами 1059-1).

Адлия вазирининг 2006 йил 1 майдаги 66-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (1997 йил 1 май, рўйхат рақами 337).

Адлия вазирининг 2006 йил 2 майдаги 70-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

—

+